

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИК ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.30.09.2020.К.82.02 - РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ШАҲРИСАБЗ ФИЛИАЛИ

СОДИҚОВ МАНСУР ҚАХХОРОВИЧ

АЦЕТИЛЕН АМИНОСПИРТЛАРИ ЭФИРЛАРИНИНГ  
КАТАЛИТИК СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ

02.00.03– Органик кимё

КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Чирчиқ – 2021

УДК 547.42.284.312.362.384.398.538.662.

Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси  
автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам

Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) in  
chemical sciences

**Содиқов Мансур Қаххорович**

Ацетилен аминоспиртлари эфирларининг каталити синтези ва  
хоссалари..... 3

**Содиқов Мансур Қаххорович**

Каталитический синтез и свойства эфиров ацетиленовых  
аминоспиртов ..... 21

**Sodikov Mansur Kakhkhorovich**

Catalytic synthesis and properties of ethers acetylenic amino alcohols... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works..... 42

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ЧИРЧИҚ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc 03/30.30.09.2020.К.82.02 - РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ  
ШАҲРИСАБЗ ФИЛИАЛИ

**СОДИҚОВ МАНСУР ҚАХХОРОВИЧ**

**АЦЕТИЛЕН АМИНОСПИРТЛАРИ ЭФИРЛАРИНИНГ  
КАТАЛИТИК СИНТЕЗИ ВА ХОССАЛАРИ**

02.00.03 – Органик кимё

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2021

Кимё фанлари бўйича филоффа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/K415** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология институти Шаҳрисабт филиалида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.csri.uz](http://www.csri.uz)) ва "Ziyounet" таълим ахборот тармоғида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Тургунов Эркин  
Кимё фанлари доктори, доцент

**Расмий оппонентлар:** Абдушукуров Анвар Кабирович  
кимё фанлари доктори, профессор

Ваппев Хусниддин Мирзоевич  
техника фанлари доктори, доцент

**Етафқи ташкилот:** Самарқанд давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти ҳузуридаги DSc.03/30.09.2020.K.82.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «13» 12 соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс: (0370) 716-68-11; e-mail: [tvchdpi\\_k.kengash@umail.uz](mailto:tvchdpi_k.kengash@umail.uz)).

Диссертация билан Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (52 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111720, Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, Амир Темур кўчаси, 104-уй. Тел.: (0370) 716-68-05, факс: (0370) 716-68-11, e-mail: [tvchdpi\\_k.kengash@umail.uz](mailto:tvchdpi_k.kengash@umail.uz)).

Диссертация автореферати 2021 йил «26» 11 кунни тарқатилди.  
(2021 йил 26» 11 даги 6 рақамли реестр баённомаси).



Зиядуллаев О.Э.  
Илмий кенгашлар берувчи Илмий кенгаш  
раиси, к.ф.д., доцент

Отамухамедова Г.К.  
Илмий кенгашлар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, к.ф.д. (PhD)

Махсумов А.Г.  
Илмий кенгашлар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси к.ф.д., проф.

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда ацетилен бирикмалар кимёси ривожланишида, ацетилен спиртлари синтезида янги инновацион технологияларни қўллаш, ацетилен спиртлари ҳосил бўлиш механизмини ва ацетилен аминоспиртлари, уларнинг галогенли ҳосилаларининг қўлланиш соҳаларини аниқлаш муҳим ҳисобланади. Органик моддалар синтезида юқори асосли системаларни қўллаш, улар асосида термодинамик ҳисоблашларни амалга ошириш, жараёнлар боришини таҳлил қилишда фойдаланиш таркибида бир вақтнинг ўзида учбоғ, азот, галоген ва кислород гуруҳлари тутган бирикмаларнинг эксплуатацион хоссаларини аниқлашда намоён бўлмоқда. Бундай моддаларни биологик фаол бирикмалар сифатида медицинада, кишлок ҳўжалигида, юқори сифатли хўшбўй моддалар олишда ишлатиш, таркибига функционал гуруҳлар киритиш орқали қўллаб янги моддалар олиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда жаҳонда алкинларнинг тузилиши ва реакцион қобилиятини ўрганиш, оралиқ металллар билан комплекс бирикмалар ҳосил қилиш жараёнларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада алкинларнинг электрон тузилиши ва физик хоссалари асосида уларни электрофил ва нуклеофил ҳамда металл комплекслари билан таъсир жараёнларини аниқлаш, ацетилен асосида янги органик бирикмаларни синтез қилиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Мамлакатимизда кимёвий моддаларни, жумладан, органик моддаларни ишлаб чиқаришда маҳаллий хомашёлардан фойдаланиш орқали маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш, импорт ўрнини қопловчи ва экспортга мўлжалланган бирикмаларни олиш усулларини яратиш, уларнинг ҳосил бўлишини ва қўлланилиш соҳаларини аниқлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «мутлақо янги турдаги маҳсулотлар ва технологияларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириш, шу асосда ташқи ва ички бозорларда рақобатбардош маҳаллий маҳсулотларни ишлаб чиқаришни таъминлаш»<sup>1</sup>га қаратилган муҳим вазифалар белгиланган. Бу борада маҳаллий хомашёлар асосида ацетилен аминоспиртлари ва уларнинг ҳосилаларини иқтисодий жиҳатдан самарали технологияларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармонлари,

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

2018 йил 25 октябрдаги ПҚ-3983-сон “Ўзбекистон Республикасида кимё sanoатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари” ва 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479-сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2019 йил 3 апрелдаги ПҚ-4265-сон “Кимё sanoатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VII “Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ацетилен спиртлари асосида Манних реакцияси ёрдамида иккиламчи аминлар билан параформальдегид иштирокида аминометиллаб ацетилен аминоспиртлари, улар асосида таркибида транс-дигалогенли ҳосилалар синтез қилинган, лекин ушбу аминоспиртларнинг турли эфирларини олиш ва улар асосида таркибида турли функционал гуруҳлар тугган моддалар синтези амалга оширилмаган, ҳосил бўлган бирикмаларнинг квант-кимёвий кўрсаткичлари, жараёни математик моделлаштириш, олинган натижаларни математик қайта ишлаш ва мос равишда синтез қилинган бирикмаларнинг қўлланиш соҳалари ўрганилмаган.

Хорижда, ушбу йўналишда Б.А.Трофимов ва О.Н.Темкиннинг илмий ишларида ацетилен спиртлари винил эфирлари юқори асосли системалар асосида синтез қилинган. M.Wiggers ацетилен бирикмалари асосида смола, резина, елим ва пластмассаларни эритувчи препаратлар ишлаб чиқариш, A.Viola винил эфирлари асосида полимер моддалар олиш технологиясини яратиш, J.M.Petersen ацетилен спиртларининг мураккаб винил ҳосилаларини ишлаб чиқиш, J.Okawa ацетилен спиртларини нанокатализаторлар иштирокида синтез қилиш, M.A.Hassan фуранни хлорли ҳосилаларидан тетрагидрофуран эритмасида, литий бутилат катализаторлари иштирокида ацетилен спиртларини юқори унумда олиш технологиясини яратиш, E.J.Corey ацетилен ва унинг гомологлари асосида олинадиган мономерларнинг резина sanoатида қўллаш, R.V.Wannort ацетилен спиртларининг тиббиётда, Yumeng Xi нефть-газ sanoатида қўллаш, B.A.Kulkarni эса ацетилен спиртлари замбуруғларга қарши биологик фаоллигини ўрганиш орқали ушбу йўналишнинг ривожланишига улкан ҳисса қўшганлар.

Республикамизда ацетилен ва унинг асосида олинадиган кимёвий моддалар, уларнинг турли бирикмалари синтези йўналишида бир қатор олимлар илмий изланишлар олиб бормоқда. Жумладан, Т.С.Сирлибоев ацетилен асосида борадиган кимёвий жараёнларнинг фундаментал назарий қонуниятлари, А.Г.Махсумов раҳбарлигида пропаргил спирти асосида

мураккаб гетероциклик бирикмалар синтези, А.Икромов ацетилен углеводородлари кимёсида турли хил гетероген-каталитик системалар қўллаш орқали олинадиган маҳсулотлар унумини ошириш ва янги катализаторларни sanoатда қўллаш принциплари, Д.Юсупов ва С.Э.Нурмановлар эса ацетилен асосида азот тугган гетероцикллар олиш устида илмий ишлар олиб бормоқда.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.**

Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон миллий университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ОТ-Ф-7-52 «Турли табиатли органик ва ноорганик моддаларнинг таъсирлашиш қонуниятлари ва реакция қобилияти ҳамда берилган комплекс хоссали янги бирикмалар олиш» лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** ацетилен аминоспиртлари ва уларнинг эфирларини каталитик синтезини амалга ошириш, жараёнинг кинетикаси ва механизмни тадқиқ қилиш ҳамда олинган моддаларнинг қўлланилиш соҳаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

ацетилен аминоэфирлари синтези жараёнларини системали тадқиқ қилиш, бириктириш реакцияларининг эритувчиларга боғлиқлигини тушунтириш, жараён боришига турли омиллар: реакция ҳарорати ва давомийлиги, катализатор миқдори ва табиати, бошланғич моддалар нисбатлари таъсирини ўрганиш, технологик параметрларни аниқлаш;

танланган бирикмалар ва уларнинг галогенли ҳосилаларининг электрон тузилишини, молекуляр-динамик хусусиятларни квант-кимёвий усуллар орқали ўрганиш, жараёнлар боришини математик моделлаштиришни амалга ошириш;

синтез қилинган бирикмаларнинг ҳосил бўлиш механизмни таклиф қилиш;

тажриба натижаларини математик қайта ишлаш, синтез қилинган бирикмаларнинг қўлланилиш соҳасини аниқлаш.

**Тадқиқот объекти** сифатида ацетилен бирикмалари ва уларнинг функционал гуруҳ тугган турли ҳосилалари, галогенлар, эритувчилар ҳамда металл оксидлари ва хлоридлари асосидаги турли хил катализаторлар олинган.

**Тадқиқот предмети**ни ацетилен спиртлари: гексен-4-ин-1-ол-3, 2-метилбутин-3-ол-2, 3-метилпентин-1-ол-3, 5-диэтиламино-2-метилпентин-3-ол-2, 5-пиперидино-2-метилпентин-3-ол-2 ва уларнинг оддий ва мураккаб эфирлари, галогенли ҳосилалари ва биологик фаол моддалар ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида органик синтез усуллари, ИҚ-, <sup>1</sup>H ЯМР-спектроскопия, хромато-масс спектрометрия, математик моделлаштириш, математик қайта ишлаш ҳамда квант-кимёвий ҳисоблаш усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

–илк бор гексен-4-ин-1-ол-3, 2-метилбутин-3-ол-2, 3-метилпентин-1-ол-3, 5-диэтиламино-2-метилпентин-3-ол-2 ва 5-пиперидино-4-метилпентин-3-ол-2 асосида аминокэфирлар синтез қилинган;

–аминокэфирлар унумини эритувчиларга боғлиқлиги аниқланган, жараён боришига турли омиллар: реакция ҳарорати ва давомийлиги, катализатор миқдори ва табиати таъсирлари аниқланган;

–синтез қилинган аминокэфирларнинг электрон тузилиши, молекуляр-динамик хусусиятлари квант-кимёвий усуллар орқали ўрганилган, жараёнлар бориши математик моделлаштирилган;

–аминокэфирлар ва уларнинг галогенли ҳосилалари синтези реакцияларининг кинетик параметрлари ва фаолланиш энергияси ҳисобланган, молекулаларнинг фаол марказлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ацетилен спиртолиш усули ишлаб чиқилган;

ацетилен аминокэфирлари ва уларнинг ҳосилалари унумига турли омиллар таъсири ҳамда жараённинг технологик параметрлари аниқланган;

аминокэфирларнинг учбоғига галогенларнинг катализаторлар иштирокида бириктириш натижасида транс-дигалогенли ҳосилалар юқори унум билан синтез қилинган;

синтез қилинган 6-пиперидино-3-метилгексин-4-ол-3 нинг β-цианэтил эфирини дибромли тўртламчи тузи маккажўхори майдонларида ширица колосистая ўсимлигига қарши гербицид сифатида ишлатилиши кўрсатилган;

синтез қилинган эфирларни металл конструкцияларда биокоррозия жараёнини келтириб чиқарувчи микроорганизмларга қарши хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги математик қайта ишлаш таҳлили ва синтез қилинган бирикмаларнинг тузилишини замонавий физик-кимёвий анализ усуллари: ИК-, <sup>1</sup>H ЯМР спектроскопия, хромато-масс спектрометриялар асосида тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти гексен-4-ин-1-ол-3, 2-метилбутин-3-ол-2, 3-метилпентин-1-ол-3, 5-диэтиламино-2-метилпентин-3-ол-2 ва 5-пиперидино-2-метилпентин-3-ол-2 асосида илк бор аминокэфирлар синтез қилинганлиги, уларни ҳосил бўлиш механизми ўрганилганлиги, уларни электрон тузилиши, молекуляр-динамик хусусиятлари квант-кимёвий усуллар орқали аниқланганлиги ва жараённи математик моделлаштириш амалга оширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ацетилен спиртларининг аминокэфирлари синтези ва уларни галогенлаш усули ишлаб чиқилганлиги, жараёнларнинг технологик параметрлари ва муқобил шароитлари топилганлиги, синтез қилинган бирикмаларнинг биологик фаоллиги ва металллар коррозиясига қарши ингибиторлиги аниқланганлигидан иборат.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ацетилен спиртлари аминокэфирлари ва уларнинг галогенли ҳосилалари синтези бўйича олинган илмий натижалар асосида:

синтез қилинган ацетилен спирти аминокэфирлари Муборак газни қайта ишлаш заводига металлларнинг водородсульфидли коррозиясига қарши ингибитор сифатида қўлланилган (Муборак газни қайта ишлаш заводининг 2021 йил 23 июлдаги 723/GK-07-сон маълумотномаси). Натижада корхонада қўлланилаётган углеродли пўлатни 94,5 % химоя қилиш имконини берган;

синтез қилинган аминокэфирларнинг дигалогенли ҳосилалари Тошкент-1 пахта нави дефолианти сифатида «Электрокимёзавод» қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси «Электрокимёзавод» қўшма корхонаси аксиядорлик жамиятининг 2021 йил 7 октябрдаги 198-сон маълумотномаси). Натижада ғўза баргининг тўкилиш кўрсаткичини 92,5% гача ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 19 та, жумладан, 5 та халқаро ва 14 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 27 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика илмий нашрларида 4 та, хорижий журналларда 1 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.


## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўқазилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.


Диссертациянинг “Ацетилен бирикмалари ва уларнинг ҳосилалари синтези” деб номланган биринчи бобида, асосан, ацетилен спиртлари, уларнинг турли хил ҳосилалари ва эфирларнинг олиниш усуллари, шароитлари, синтез қилинган бирикмаларнинг хоссалари ва қўлланилиши бўйича адабиёт маълумотлари келтирилган. Ўйилган маълумотлар қиссий таҳлил қилинган ва диссертация ишининг мақсад, вазифалари аниқланган.

Диссертация ишининг “Олинган натижалар таҳлили” деб номланган иккинчи бобида, синтез қилиб олинган ацетилен спиртлар (АС) ни акрилонитрил, бензил ва бензоил хлоридлар билан реакциялари амалга оширилиб оддий ва мураккаб эфирлари олинган.


β-Цианэтилэфирлар синтези АС акрилонитрил билан сувли эритмада КОН катализатори иштирокида амалга оширилди:



Кротон альдегида ва ацетилен асосида синтез қилинган гексен-4-ин-1-ол-3 (III) нинг акрилонитрил билан таъсирлашиши натижасида унинг β-цианэтилэфир (VI) қуйидаги схема асосида олинди:



Шунингдек, гексен-4-ин-1-ол-3 нинг бензил ва бензоил хлоридлар билан ўзаро таъсирлашиши (катализатор сифатида пиридиндан фойдаланилганда) натижасида юқори унум билан ацетилен спиртининг бензил ва бензоил эфирлари қуйидаги схема асосида ҳосил бўлади:




Бу ерда: R' = -CH<sub>2</sub>C<sub>6</sub>H<sub>5</sub>; -COC<sub>6</sub>H<sub>5</sub>.

Юқоридаги реакциялар натижасида олинган АС эфирлари (IV-XII) ҳосил бўлиш унуми 70-85%ни ташкил этади. Уларнинг баъзи бир физик-кимёвий доимийликлари аниқланган.

Синтез қилинган АС оддий ва мураккаб эфирлари тузилиши, таркиби ИҚ- ва <sup>1</sup>H ЯМР спектроскопия усуллари ёрдамида аниқланди. Жумладан, 2-метилпент-3-ин-2-илоксибензоил (VIII) нинг ИҚ-спектрида 1700-1650 см<sup>-1</sup> соҳада -O-C=O гуруҳига хос, 2900-3100 см<sup>-1</sup> соҳада -CH<sub>3</sub>, -C<sub>2</sub>H<sub>5</sub> алифатик гуруҳларга хос, 2200 см<sup>-1</sup> да ацетилен боғига хос ва бензол ҳалқасининг қўш боғининг валент тебранишлари 1600 ва 1497 см<sup>-1</sup> соҳада, моноалмашинган бензол ҳалқаси деформацио тебранишлари 695-760 см<sup>-1</sup> соҳаларда ўзига хос югилиш чизиклари намоён бўлди.


#### Ацетилен спиртлари эфирларини аминометиллаш реакциялари

β-Цианэтилэфирлари билан иккиламчи аминлар-диэтиламин, пиперидин ва параформальдегидни диоксан эритмасида мис (I) хлорид катализаторлигида Манних реакцияси ёрдамида ацетилен аминоспирти (ААС) аминозфирлари қуйидаги схема асосида олинди:



Бу ерда: R = -CH<sub>3</sub>, -C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>; N(R'')<sub>2</sub> = -N(C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>); -N 

АС бензил ва бензоил эфирларини Манних реакцияси ёрдамида иккиламчи аминлар билан параформальдегид ёрдамида аминометиллаб тегишли ацетилен аминозфир (ААЭ) лари олинди:




R = -CH<sub>3</sub>, -C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>, -CH-CHCH<sub>3</sub>; R' = -H, -CH<sub>3</sub>;

R'' = -CH<sub>2</sub>C<sub>6</sub>H<sub>5</sub>, -COC<sub>6</sub>H<sub>5</sub>; N(R''')<sub>2</sub> = -N(C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>); -N 

Юқоридаги конденсацияланиш реакцияси диоксан эритмасида, янги қуритилган мис (I) хлорид катализаторлигида 70-100 °С ҳароратда 4-6 соат давомида амалга ошади. Юқоридаги реакциялар натижасида олинган ААС β-цианэтил, бензил ва бензоил эфирлари унуми 70-85% ни ташкил этади.

#### Ацетилен аминоспиртлари синтези

Манних реакцияси асосида диэтиламин, пиперидин, параформ ва АС-3-метилбутин-1-ол-3, 3-метилпентин-1-ол-3 ва гексен-4-ин-1-ол-3 ларни диоксан эритмасида 90-95 °С ҳароратда Cu<sub>2</sub>Cl<sub>2</sub> катализатори иштирокида 2-4 соат давомида қиздирилиши натижасида 48-55% унум билан мос равишдаги ААС қуйидаги схема асосида синтез қилинган:





R = -CH<sub>3</sub>, -C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>, -CH-CHCH<sub>3</sub>; R' = -H, -CH<sub>3</sub>; N(R''')<sub>2</sub> = -N(C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>); -N 

Синтез қилиб олинган ААС баъзи бир физик-кимёвий доимийликлари ҳамда уларнинг тузилиши ва таркиби физик тадқиқот усуллари ёрдамида аниқланди.

#### Ацетилен аминоспиртларининг эфирлари синтези

ААС акрилонитрил билан ишқорий катализатор КОН иштирокида реакцияга киришиши натижасида уларни β-цианэтил эфирлари қуйидаги схема асосида олинган:




R = -CH<sub>3</sub>, -C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>, -CH-CHCH<sub>3</sub>; R' = -H, -CH<sub>3</sub>; N(R'')<sub>2</sub> = -N(C<sub>2</sub>H<sub>5</sub>); -N 

Бу икки усулдан биринчиси анча осон амалга ошади ва реакция унуми нисбатан юқори (65-78%) ҳамда ҳосил бўлган маҳсулотни ажратиб олиш осонлашади. Иккинчи усулда эса модда унуми 58-70% анча юқори бўлсада реакция маҳсулоти ва бошланғич маҳсулотни бир-биридан ажратиш қийинчилик туғдиради. Кейинги навбатда ААС бензил ва бензоил хлоридлар

билан бензол эритмасида пиридин иштирокида таъсирлашниши натижасида уларнинг тегишли эфирлари синтез қилиб олинди.

Реакция схемаси қуйидагича:



$R = -CH_3, -C_2H_5, -CH=CHCH_3; R' = -H, -CH_3;$

$R'' = -CH_2C_6H_5, -COC_6H_5; N(R''')_2 = N(C_2H_5)_2, N(\text{Cyclohexyl})_2$


Юқоридаги реакциялар натижасида олинган ААС β-цианэтил, бензил ва бензоил эфирлари унуми 70-75% ни ташкил этади.

Жумладан, синтез қилиб олинган 5-диэтиламино-(2-метилпент-3-ин-2-илокси)пропаннитрилнинг ИК-спектрида учламчи аминогурухга хос бўлган ўртача интенсив валент тебраниши 2940-2810 см<sup>-1</sup> соҳада мавжуд. 2240 см<sup>-1</sup> соҳадаги кучсиз ютилиш чўққиси С=С боғи учун хосдир.

#### Аминоэфирлар уч боғига галогенларнинг бирикиш реакцияларини амалга ошириш

ААЭ таркибидаги уч боғнинг галоген бирикишига гидроксил гуруҳининг таъсирини янада ойдинлаштириш мақсадида уларни β-цианэтил, бензил ҳамда бензоил эфирлари синтез қилинди. Олинган эфирларнинг физик-кимёвий доимийликлари аниқланди.

Ушбу ААЭ хлороформ эритмасида Cu<sub>2</sub>Cl<sub>2</sub> катализатори иштирокидаги галогенлаш реакциялари тадқиқ қилинди. Реакция натижасида ААЭ уч боғига транс ҳолатда галогенларни бирикишидан этилен катори АЭ дигалогенли ҳосилалари юқори унум билан ҳосил бўлиши аниқланди. Реакция қуйидаги схема асосида амалга ошади:



$R = -CH_3, -C_2H_5; N(R''')_2 = N(C_2H_5)_2, N(\text{Cyclohexyl})_2; X = -Cl, -Br.$


$R' = -CH_2CH_2CN; -CH_2C_6H_5; -COC_6H_5.$

Реакция натижасига аминогурухнинг таркибидаги турли ўринбосарлар реакция жараёнига деярли таъсир этмайди. Маҳсулот унуми реакция давомийлиги каби факторларга боғлиқ ва эътиборлиси шундаки, галогенлаш жараёни хлороформ эритмасида хона (20-40 °С) ҳароратида 10 соат давомида 60-70% гача амалга ошади, 50-60 °С ҳароратда олиб борилганда эса реакция вақти икки марта қисқаради, шунга мос равишда мис хлорид катализаторининг ишлатилиши хона ҳароратида 4 соат давомида реакция унумини 68-70% гача оширса, ҳароратнинг ошиши реакция унумини бор-

йўғи 2 соат давомида 83% гача кўтарилишига олиб келади. Шунинг учун ҳам катализатор иштирокида реакция унуми нисбатан юқори бўлади.


Бу ҳолда ААЭ ва галогеннинг моллар нисбати: ААЭ = 2:1 ошиши билан аминоэфирнинг транс-дигалогенли бирикмаси ҳосил бўлиши реакция муҳитида устунлик қилади ва 1,5 соат вақт оралиғида, 40 °С ҳароратда уларнинг унуми 68-70% га етади.

Реакция 35-40 °С ҳароратда, хлороформ эритмасида, Cu<sub>2</sub>Cl<sub>2</sub> катализаторидан фойдаланганда, жараён қуйидаги оддий схема бўйича боради деб тахмин қилиш мумкин:




Олинган натижаларни таққослаш шунини кўрсатадики, ўрганилган шароитларда С=С боғ ва галогенлар ўртасида π-комплексе ҳосил бўлиши ва учбоғнинг узилиши кўп ҳолларда юқори ҳароратни ёки катализаторлар ишлатилиши талаб қилади. Шунга қўра, мис монохлорид катализаторидан фойдаланиш галогенларни С=С боғга экзотермик бирикишини сезиларли даражада тезлаштиради ва юқори унумда транс-дигалогенли маҳсулотларга олиб келади (1 жадвал).

Шу билан бирга, барча электрофиллар бундай фаолликка эга эмас ва юқорида таъкидлаганимиздек, галогенларнинг электрофиллиги фақат маълум шароитларда намоеён бўлади, бу ҳолда уларнинг С=С боғ билан ўзаро таъсири амалга ошиши мумкин. Шундай қилиб, галоген молекуласи С=С боғга таъсир қилиши учун X<sup>δ+</sup>-X<sup>δ-</sup> ҳолатгача қутбланиши керак. Нуклеофил ва электрофил ҳосил бўлиши галоген билан эритувчи хлороформ ўзаро таъсирлашганда кузатилади:



Бунда С=С боғда галогеннинг π-комплекси тутган дастлабки ацетилен аминоэфирлари ҳосил бўлади:



Реакция жараёнига ҳарорат ва давомийликни таъсири 1-жадвалда келтирилган, натижалар асосида эса реакция тезлиги аниқланган (1-2 расм).

Амалга оширилган жараёнлар натижасида олинган кўрсаткичлар галогенларнинг транс-ҳолатда эканлигини тасдиқлайди. Реакциянинг бошланғич ҳолатларида унинг тезлиги анча юқори ва галоген концентрацияси тез ўзгариши кузатилади, 6 соат давомида 45 °C ҳароратда реакция тезлигининг максимум қийматига эришилади.

Синтез қилинган транс-дигалогенли этилен аминоэфирларининг (2-жадвал) тузилиши ИҚ ва <sup>1</sup>H ЯМР спектрлари асосида ўрганилди. Бунда 5-диэтиламино-3-(3,4-дихлор-2-метилпент-3-ен-2-илокси)пропаннитрилнинг ИҚ-спектрида 2895-2870 см<sup>-1</sup> соҳада нитрил гуруҳининг деформацион тебранишлари, учламчи аминогуруҳга хос бўлган ўртача интенсивликда валент тебранишлари 2960-2820 см<sup>-1</sup> соҳада, 2160 см<sup>-1</sup> соҳадаги кучсиз ютилиш чизиғи C=C боғига хос ва CCl=CCl гуруҳига тегишли ютилиш чизиқлари 560-635 см<sup>-1</sup> соҳада намоён бўлиши кузатилади.


Шунингдек, 6-диэтиламино-(4,5-дихлоро-3-метилгекс-4-ен-3-илокси)пропаннитрилнинг <sup>1</sup>H ЯМР спектрида ўзига хос ютилиш чизиқлари: метил гуруҳининг δ (3H) протонлари 1,33 м.у. соҳада синглет шаклида, β ҳолатдаги метил гуруҳи δ (3H) протонлари 0,69 м.у. соҳасида триплет, метилен гуруҳининг δ (2H) протонлари 1,5 м.у. соҳасида кватрет ва учламчи азотга нисбатан β ҳолатдаги метил гуруҳи δ (6H) протонлари 1,0 м.у. соҳада триплет, азот атоми ва цианид гуруҳи ёнидаги метилен гуруҳлари δ (6H) протонлари 2,58-2,64 соҳада мультиплет, галоген ва қўшбоғ ёнидаги метилен гуруҳи δ (2H) протонлари 3,0 м.у. соҳасида синглет, эфир гуруҳи ёнидаги метилен гуруҳи δ (2H) протонлари 3,74 м.у. соҳасида триплет кўринишдаги ютилиш чизиқлари намоён бўлиши кузатилди. 3-Жадвалда эса транс-дигалогенли оксаминонитрилларнинг (XXXVII-XLIV) кўрсаткичлари келтирилган.

1-жадвал


5-(Диэтиламино)-3-(3,4-дихлор-2-метилпент-3-ен-2-илокси)пропаннитрил синтези (эритувчи-хлороформ)

Реакция давомийлиги, соат	Маҳсулот унуми, %	Реакциянинг ўртача тезлиги (W)	
		%/соат	Моль/л соат
Ҳарорат 30 °C			
1	4,5	4,50	0,20
2	10,8	5,40	0,24
3	22,3	7,43	0,33
4	45,5	11,54	0,51
6	44,8	7,47	0,33
8	44,5	5,56	0,25
Ҳарорат 35 °C			
1	6,4	6,40	0,28
2	13,0	6,50	0,29
3	25,4	8,46	0,37
4	48,8	11,69	0,51
6	48,2	8,03	0,35
8	48,0	6,00	0,26
Ҳарорат 40 °C			
1	8,6	8,60	0,38
2	18,9	9,45	0,42
3	36,8	12,28	0,55
4	60,4	15,10	0,68
6	59,5	9,92	0,45
8	59,0	7,38	0,33
Ҳарорат 45 °C			
1	10,8	10,80	0,48
2	21,0	10,50	0,47
3	40,2	10,05	0,44
4	64,2	14,41	0,63
6	78,3	13,05	0,58
8	75,5	9,43	0,42
Ҳарорат 50 °C			
1	11,2	11,2	0,49
2	21,1	10,55	0,46
3	39,5	13,15	0,57
4	61,7	15,42	0,67
6	69,6	11,6	0,51
8	67,4	8,42	0,37

## Синтез қилинган ацетилен аминоспиртлари β-цианэтилэфирларининг галогенли ҳосилалари



1-расм. 5-диэтиламино-(3,4-дихлоро-2-метилпент-3-ен-2-илокси)пропаннитрилнинг ҳосил бўлиш унумига реакция давомийлиги ва ҳароратнинг таъсири



2-расм. 5-диэтиламино-(3,4-дихлоро-2-метилпент-3-ен-2-илокси)пропаннитрил ҳосил бўлиш реакция тезлигини ҳароратнинг тесқари қийматига боғлиқлиги.

Модда рақами	Номи ва Бруттоформуласи	Унуми, %	T. қай, °C мм.сб.у.	$n_D^{20}$	$d_4^{20}$
XXXVII	5-диэтиламино-(3,4-дихлоро-2-метилпент-3-ен-2-илокси)-пропаннитрил $C_{13}H_{22}N_2OCl_2$	79,0	190/10	1,5301	1,2105
XXXVIII	5-диэтиламино-(3,4-дибромо-2-метилпент-3-ен-2-илокси)-пропаннитрил $C_{13}H_{22}N_2OBr_2$	81,0	195-197/10	1,5285	1,2295
XXXIX	6-диэтиламино-(4,5-дихлоро-3-метилгекс-4-ен-3-илокси)-пропаннитрил $C_{14}H_{24}N_2OCl_2$	80,0	193/10	1,5525	1,2210
XL	6-диэтиламино-(4,5-дибромо-3-метилгекс-4-ен-3-илокси)-пропаннитрил $C_{14}H_{24}N_2OBr_2$	83,0	198-199/10	1,5895	1,2945
XLI	5-пиперидино-(3,4-дихлоро-2-метилпент-3-ен-2-илокси)-пропаннитрил $C_{14}H_{22}N_2OCl_2$	77,0	196/10	1,5685	1,3215
XLII	5-пиперидино-(3,4-дибромо-2-метилпент-3-ен-2-илокси)-пропаннитрил $C_{14}H_{22}N_2OBr_2$	82,0	201-202/10	1,5975	1,3125
XLIII	6-пиперидино-(4,5-дихлоро-3-метилгекс-4-ен-3-илокси)-пропаннитрил $C_{15}H_{24}N_2OCl_2$	78,0	197-198/10	1,5785	1,3045
XLIV	6-пиперидино-(4,5-дихлоро-3-метилгекс-4-ен-3-илокси)-пропаннитрил $C_{15}H_{24}N_2OBr_2$	77,0	203-204/10	1,6985	1,3550

**Транс-дигалогенди оксаминитрилларнинг (XXXVII-XLIV)  
кўрсаткичлари**

Модда рақами	Топилган,%			Унуми,%	Брутто-формула	Ҳисобланган,%		
	С	N	Hal			С	N	Hal
XXXVII	52,90	9,11	24,13	99,03	C <sub>13</sub> H <sub>12</sub> N <sub>2</sub> OCl <sub>2</sub>	53,25	9,55	24,18
XXXVIII	40,10	7,61	42,14	99,82	C <sub>13</sub> H <sub>22</sub> N <sub>2</sub> OBr <sub>2</sub>	40,86	7,33	41,82
XXXIX	54,18	9,30	23,13	99,63	C <sub>14</sub> H <sub>24</sub> N <sub>2</sub> OCl <sub>2</sub>	54,73	9,12	23,08
XL	42,68	7,10	39,86	99,75	C <sub>14</sub> H <sub>24</sub> N <sub>2</sub> OBr <sub>2</sub>	42,45	7,07	40,34
XLI	54,66	8,80	22,58	98,33	C <sub>14</sub> H <sub>22</sub> N <sub>2</sub> OCl <sub>2</sub>	55,09	9,18	23,23
XLII	42,66	7,11	40,07	99,47	C <sub>14</sub> H <sub>22</sub> N <sub>2</sub> OBr <sub>2</sub>	42,66	7,11	40,55
XLIII	55,88	8,68	21,77	98,76	C <sub>15</sub> H <sub>24</sub> N <sub>2</sub> OCl <sub>2</sub>	56,43	8,77	22,21
XLIV	43,61	6,86	38,88	99,11	C <sub>15</sub> H <sub>24</sub> N <sub>2</sub> OBr <sub>2</sub>	44,14	6,86	39,15

Диссертациянинг “Ацетиленаминоспиртлари эфирларнинг синтез жараёнлари натижаларини қайта ишлаш ва физик-кимёвий ҳисоблашлар” номли учинчи бобида ҳозирги кунда квант кимёнинг ASDFREE12, RHF, SCF-MO, MINDO/3, MNDO, AM1, махсус дастурлари яратилган бўлиб, шулардан Chem 3D Ultra 8.0 дастури кислоталик хоссасини намоён қиладиган ёки молекуласидаги водород атомлари ҳисобига реакцияга киришадиган моддалар учун ишлаб чиқилган дастур ҳисобланади. Синтез қилинган ацетилен аминоспиртлари эфирларнинг молекуласи ҳосилаларини, реакция қобилияти ва реакция марказларни аниқлаш мақсадида молекуланинг 3d тузилиши, квант-кимёвий ҳисоблашлари, молекуланинг фазовий тузилиши, молекула атомларида заряд ва электрон зичлиқнинг тақсимланиши ўрганилди. Тадқиқотлар Hyper Chem дастури ёрдамида амалга оширилди (3-расм).



3-расм. 5-пиперидино-(2-метилпент-3-ен-2-илокси)пропаннитрилнинг 3d тузилиши (а), молекулада зарядларнинг (б) ва электронларнинг (в) тақсимланиши

Молекуланинг 3d тузилиши шунини кўрсатадики, гетероциклик ҳалқа тузилишга эга бўлиб текисликда жойлашган, молекулада заряд ва электрон зичлиқнинг тақсимланиш қийматлари таҳлилига кўра, молекулада гидроксил гуруҳи ва азот атомлари бир ҳолатни эгалласада, электронлар тақсимланиши бир-биридан қисман фарқ қилади.

**Ацетилен аминоспирти β-цианэтилэфирини галогенлаш жараёнини  
математик моделлаштириш**

Бу қисмда 5-диэтиламино-(3,4-дихлор-2-метилпент-3-ен-2-илокси) пропаннитрилни синтез жараёнида олинган тажриба натижаларини математик моделлаштириш кам сонли квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда амалга оширилди ва тажриба натижаларини ёритиб берувчи аналитик боғлиқлик графиги яратилди. Ушбу жараёнда кам сонли куйидаги  $f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)$  квадратлар усулидан фойдаланилди. Бунда  $f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)$  функциясини шундай қўйиш керакки, бунда олинган натижа квадратлари  $y, f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)$  даги ўлчам бирлигидагисилжишлари  $Y_i = f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)$  даги силжиш ўлчамларидан кам бўлиши керак.

$$S(a_1, a_2, \dots, a_k) = \sum_{i=1}^n [y_i - Y_i]^2 = \sum_{i=1}^n [y_i - f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)]^2 \rightarrow \min(1)$$

Жараён куйидаги тартибда моделлаштирилди:

1. Тажриба натижаларига кўра танланган боғлиқликнинг ташқи кўриниши аниқланди.

2.  $Y = f(x, a_1, a_2, \dots, a_k)$  функциясидаги боғлиқлик коэффициенти танланди ва ушбу боғлиқлик биринчи функциядаги  $a_i$  орқали чиқарилди. 5-Диэтиламино-(2-метилпент-3-ин-2-илокси)-пропаннитрилни галогенлаш реакциясида жараёнга таъсир этувчи омиллар, яъни ҳарорат, реакциянинг ўртача тезлигига асосланган ҳолда эритувчи хлороформ иштирокида олинган натижалар асосида математик моделлаштирилди.

Олинган натижаларни математик моделлаштириш жараёнида реакцияни амалга оширилган ҳарорат ва маҳсулот унумидан фойдаланилди.

$$t[1] := 30; t[2] := 35; t[3] := 40; t[4] := 45,$$

$$y[1] := 45.5; y[2] := 48.8; y[3] := 60.4; y[4] := 64.2.$$

Математик натижаларга асосланиб кам сондаги тажрибалар орқали галогенлаш реакцияси умумий ҳолда таҳлил қинди. Бунда реакция ҳарорати ва давомийлиги биргаликда маҳсулот унумига ҳамда реакция тезлигига таъсири математик қонуниятлар асосида ўрганилди ва уч ўлчамли координаталар системасида ифодаланди.

**Ацетилен аминоспиртлари эфирларининг галогенлаш  
жараёнларини натижаларини математик қайта ишлаш**

Математик ҳисоблашлар 5-диэтиламино-(2-метилпент-3-ин-2-илокси)-пропаннитрилни галогенлаш жараёнининг реакция давомийлиги 4 соатда олиб борилганда 5-диэтиламино-(3,4-дихлор-2-метилпент-3-ен-2-илокси)-пропаннитрилни юқори унум билан синтез қилинишини иноватга олган ҳолда куйидаги қийматлар MAPLE-2018 дастуридан фойдаланиб олиб борилди.

Олинган натижалар асосида, кимёвий реакция натижасида дигалогенли маҳсулотларнинг ҳосил бўлиши ҳарорат ва реакция тезлигига боғлиқлиги, математик қайта ишлаш ва тажриба натижалари куйидаги функция билан ифодаланади.

$$f_1 := a_1 * 30^3 + a_2 * 30^2 + 30 * a_3 + a_4; f_1 := 45.4737$$

$$f_2 := a * 35^3 + b * 35^2 + 35 * c + d; f_2 := 48.76666$$

$$f_3 := a * 40^3 + b * 40^2 + 40 * c + d; f_3 := 60.3584$$

$$f_4 := a * 45^3 + b * 45^2 + 45 * c + d; f_4 := 64.148738$$

$$f = a * t^3 + b * t^2 + c * t + d \text{ функцияси } \text{vat} = 30 \dots 45, f = 42 \dots 65;$$

Ўтказилган ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, олинган тажриба натижаларини математик моделлаштирилганда, олиб борилган тажрибалар 94% аниқликда эканлигини кўрсатади.

Ишнинг тўртинчи боби “Тажриба қисм. Ацетилен спиртлари, эфирлари, аминоспирлари эфирлари ва галогенли ҳосилаларини синтез қилиш методикаси” қисмида тадқиқотлар учун бошланғич моддалар тўғрисидаги маълумотлар, ундан ташқари ушбу бобда ацетилен спиртлари амина эфирларининг галогенлар билан таъсири натижасида уларнинг галогенли бирикмалари синтези методикаси ҳам келтирилган.

### ХУЛОСА

1. Ацетилен ва кротон альдегиди ҳамда диметилкетон, метилэтилкетонлардан олинган ацетилен спиртларини акрилонитрил билан β-циан этилэфир ҳосил бўлиш реакциялари ўрганилган. Маҳсулот унумига бошланғич моддалар мол миқдори нисбатлари, реакция давомийлиги ва катализатор табиати таъсири тадқиқ қилинган.

2. Синтез қилинган ацетилен спиртларининг бензил ва бензоил хлоридлар билан пиридин иштирокида реакцияси натижасида бензил ва бензоил эфирлари олинган. Уларни диэтиламин, пиперидин ва параформальдегид билан конденсациялаб ацетилен аминоспиртларининг эфирлари синтези амалга оширилган.

3. Биринчи марта олинган ацетилен аминоспиртлари эфирларининг уч боғига галогенлар: хлор, бромнинг бирикиш реакциялари амалга оширилган. Реакция боришига омиллар таъсири ўрганилган. Жараёнда транс-изомерлар ҳосил бўлиши кўрсатилган. Хлорли ҳосилга нисбатан бромли ҳосил юқори унум билан ҳосил бўлиши аниқланган.

4. Синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши <sup>1</sup>H ЯМР ва ИҚ-спектроскопия орқали исботланган, таркиби элемент таҳлили, тозаллиги эса ЮКХ ва ГСХ усулларида аниқланган.

5. Синтез қилинган бирикмаларни квант-кимёвий, молекуляр-динамика ҳисоблашлари амалга оширилган, галогенлаш жараёни математик моделлаштирилган ва олинган бирикмаларни ҳосил бўлиш механизми тақлиф қилинган.

6. Олинган бирикмаларнинг ингибиторлик хоссалари ўрганилган ва аминаокси нитрилларининг галогенли ҳосилаларини металллар коррозиясига қарши фаол ингибиторлик хоссаси аниқланган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc 03/30.30.09.2020.K.82.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ЧИРЧИКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ  
ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ ТАШКЕНТСКОЙ ОБЛАСТИ  
ШАХРИСАБЗСКИЙ ФИЛИАЛ ТАШКЕНТСКОГО ХИМИКО-  
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОГО ИНСТИТУТА**

**СОДИҚОВ МАНСУР КАХХОРОВИЧ**

**КАТАЛИТИЧЕСКИЙ СИНТЕЗ И СВОЙСТВА ЭФИРОВ  
АЦЕТИЛЕНОВЫХ АМИНОСПИРТОВ**

02.00.03 – Органическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Чирчик – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по химии зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером №В2021.3.PhD/K415

Докторская диссертация выполнена в Шахрисабзский филиал Ташкентского химико-технологического института.

Автореферат диссертации доступен на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на сайте Ученого совета (www.csri.uz) и в образовательной информационной сети «Ziynet» (www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** Тургунов Эрхан  
доктор химических наук, доцент.

**Официальные оппоненты:** Абдушукуров Анвар Кабирович  
доктор химических наук, профессор.

Вапоев Хусниддин Мирзоевич  
доктор технических наук, доцент

**Ведущее предприятие:** Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «13» 12 2021 г. в 14<sup>00</sup> часов на заседании Научного совета DSc.03/30.09.2020.K 82.02 по присуждению ученых степеней при Чирчикском государственном педагогическом институте Ташкентской области. (Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (0370) 716-68-05; факс: (0370) 716-68-11; e-mail: tvchdpi\_k.kengash@gmail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Чирчикского государственного педагогического института Ташкентской области. Адрес: 111720, Ташкентская область, г. Чирчик, ул. Амира Темура, дом 104. Тел.: (0370) 716-68-05; факс: (0370) 716-68-11 (зарегистрирована за № 58).

Автореферат диссертации разослан «26» 11 2021 года.  
(реестр протокол рассылки № 6 от 26.11.2021 года).



Зиядуллаев О.Э.  
Председатель Научного совета  
по присуждению ученых степеней  
д.х.н., доцент

Отамухамедова Г.К.  
Учлен секретарь Научного совета по  
присуждению ученых степеней,  
доктор философии по химии (PhD)

Махсумов А.Г.  
Председатель Научного семинара при Научном  
совете по присуждению ученых степеней,  
д.х.н., профессор

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

**Актуальность и необходимость темы диссертации.** На сегодняшний день в развитии химии ацетиленовых соединений важно применять новые инновационные технологии при синтезе ацетиленовых спиртов, изучать механизмы образования, области применения ацетиленовых аминоспиртов и их галогенированных производных. Использование высокоосновных систем в синтезе органических веществ находит свое отражение в использовании термодинамических расчетов и анализа протекающих процессов на их основе, при определении эксплуатационных свойств соединений, содержащих одновременно тройные связи атом азота, галогенов и кислорода в виде различных групп. Такие вещества используются в качестве биологически активных соединений в медицине, сельском хозяйстве, при производстве высококачественных душистых веществ. Кроме того, многие новые вещества могут быть получены введением в их состав новых функциональных групп.

В мире проводятся исследования по изучению структуры и реакционной способности алкинов, определению процессов образования комплексных соединений с переходными металлами. В связи с этим особое внимание уделяется взаимодействию алкинов с электрофильными, нуклеофильными и металлическими комплексами согласно их электронного строения и физическим свойствам, синтезу новых органических соединений на основе ацетилена, определению их физико-химических свойств.

В нашей стране важно реализовать программу локализации с использованием местного сырья в производстве химикатов, в том числе органических веществ, создать методы получения импортозамещающих и экспортно-ориентированных соединений, проанализировать их образование и определить области применения. Химия соединений ацетилена - одно из развивающихся направлений в мире, и промышленное производство ацетилена в нашей стране также показывает важность данной работы.

<sup>2</sup> Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализации поставленных задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан от 21 августа 2020 г. ПП-4805 «О мерах по повышению качества непрерывного образования и научной эффективности в области химии и биологии» от 7 февраля 2017 г. № ПФ-4947 «Стратегия дальнейшего развития Республика Узбекистан», № ПП-3983 от 25 октября 2018 г. «О мерах по ускорению развития химической промышленности в Республике Узбекистан» и № ПП-3479 от 17 января 2018 г. «О мерах по обеспечению стабильного предложения востребованной продукции, и сырья в экономику», Постановление № ПП-4265 от 3 апреля 2019 г. «О мерах по

<sup>1</sup> Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПФ-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

дальнейшему реформированию химической отрасли и повышению ее инвестиционной привлекательности» и другие правила, относящиеся к этой деятельности.

**Зависимость исследований от приоритетов развития науки и технологий республики.** Данное исследование проводилось в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII «Химические технологии и нанотехнологии».

**Уровень изученности проблемы:** Аминометилированием ацетиленовых спиртов параформальдегидом в присутствии вторичных аминов по реакции Манниха получены ацетиленовые аминоспирты (ААС), на их основе синтезированы транс-дигалогенпроизводные, но при этом синтез различных эфиров и веществ с различными функциональными группами на их основе не осуществлены, квантово-химические параметры образующихся соединений, математическое моделирование процесса, математическая обработка полученных результатов и применение синтезированных соединений соответственно не изучались.

